

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК: 631.1:339.13.338.436.33

**МУМИНОВ УЛУҒБЕК МАҲАММАДСОЛИЕВИЧ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА РАҚОБАТ МУҲИТИНИ**  
**ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ**  
**(Наманган вилояти мисолида)**

08.00.04 – «Агросаноат мажмуи иктисодиёти»

Иктисод фанлари номзоди  
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2009**

Диссертация иши Ўзбекистон Бозор ислохотлари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

**Илмий раҳбар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Назарова Фотимахон Ҳакимовна**

**Расмий оппонентлар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Қодиров Абдурашид Мажидович**

иқтисод фанлари номзоди  
**Жумаев Олимжон Садуллоевич**

**Етакчи ташкилот:** Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳужалиги вазирлиги

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2009 йил «12» май соат 14<sup>00</sup> да ўтадиган мажлисида бўлади.

**Манзил:** 100000, Тошкент шаҳри, Х.Орипов кўчаси, 16-уй, мажлислар зали

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2009 йил «3» апрель да таркатилди.

Бирлашган ихтисослашган кенгаш илмий котиби,  
иқтисод фанлари номзоди

 **Ф.И. Мирзаев**

## 1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон аграр соҳасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар чуқурлашуви бозор тамойиллари жорий этилиши, маҳсулот етиштириш ва сотиш жараёnlари ўзаро мувофиқлиги таъминланишини такозо этмоқда яъни аграр соҳадаги энг муҳим вазифа кишлок хўжалигида рақобат муҳитини шакллантириш орқали хўжалик юритувчи субъектлар рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулот егиштиришда талаб ва таклиф мувозанатига эришиш, ички ва ташки бозорда самарали фаолият юритувчи механизмлар кенг қўламда жорий қилинишидан иборат.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек, «Жаҳон иқтисодий инқирозидан давом этаётган ҳозирги шароитда...рақобатдош тайёр маҳсулот улусининг изчил ошиши, биринчи навбатда, иқтисодиётимизнинг ўсиб бораётган салоҳияти ва имкониятларидан далолат беради»<sup>1</sup>.


Амалиёт таҳлиллари курсатишича, фермерлар томонидан асосий эътибор маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтириш, пахта ва ғалла бўйича давлат буюртмаси бажарилишига қаратилиб маҳсулот сифатини яхшилаш, уни ички ва ташки бозорда рақобатбардошлигини ошириш масалаларига етарлича эътибор берилмаяпти. Натижада, ички бозорга хориждан келтирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми кўпайиб, мамлакатда етиштирилаётган маҳсулотлар эса улар билан рақобатлаша олмаяпти. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун ички бозорни химоя қилиш ва маҳсулот экспорт қилиш ҳажmlларини кўпайтириш иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида долзарб муаммога айланиб бормоқда. Ушбу муаммолар маъмурий чоралар билан биргаликда иқтисодий чоралар орқали ҳал этилиши кишлок хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ўртасида рақобат муҳити шакллантирилиши асосида соҳа рақобатбардошлиги оширилишини таъминлаши керак.

Республикада иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида бу борадаги ҳолат чуқур ўрганилмаган, илмий-тадқиқот ишлари қўлами ва амалий таклифлар етарли эмас. Шу нуқтаи назардан, иқтисодиётни модернизация қилиш ва янгилашнинг бугунги босқичида кишлок хўжалигида рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда рақобатбардошликни ошириш борасида илмий муаммолар таҳлил қилинишининг зарурлиги тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бозор иқтисодиёти шароитида рақобатнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар Дж.Грайм, В.Ойкен, М.Портер, Д.Рикардо, А.Смит, Д.Хейнг, К.Хартман, К.Фроберг<sup>2</sup> россиялик олимлар Г.Л.Азоев, В.Д. Гончарев.

<sup>1</sup> Каримов, И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Ҳалк сузи, 2009 йил 14 февраль.

<sup>2</sup> Heyng D., Graym D]. Measures of International Competitiveness: critical survey // Journal of Marketing



4

1.2

Э.Н. Крылатых, И.В. Семенова, Р.А. Фатхудинов, А.Ю. Юданов, А.П. Челенков<sup>3</sup> ва Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Р.А.Алимов, А.В.Вахабов, М.Ш.Шарифхўжаев, А.Ўлмасов, С.В.Чепелларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган<sup>4</sup>.

Қишлоқ хўжалигида ракобат муҳити шаклланишининг баъзи жиҳатлари мамлақатимиз иқтисодчилари Ч. Муродов, Ф. Назарова, С.Н. Усмонов, Ў.П.Умурзаков, Т.Х. Фармонов, Р.Х. Хусанов, Н.С. Хушматов, А. Қодиров, А.М. Қодировлар асарларида ёритилган<sup>5</sup>.

Юқорида қайд этилган иқтисодчи олимларнинг ракобатни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича билдирган илмий фикрлари, таклиф ва тавсиялари бир қадар мунозарали бўлганлиги боис, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида қишлоқ хўжалигида ракобат муҳитини шакллантиришнинг назарий ва услубий асосларини тадқиқ этиш ва илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ушбу мавзунинг танланишига асос бўлди.

**Диссертация ишнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон Бозор ислохотлари илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** - иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигида ракобат муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари.** Тадқиқот мақсадини амалга ошириш жараёнида қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

---

Management. 1998. 17 p.; Ойкен В. Основные принципы экономической политики. - М.: Прогресс, 1999. 143 с.; Портер М. Международная конкуренция. - М.: Международные отношения, 1993. 32 с.; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М.: Политическая литература, 1968. 138 с.; Froberg K., Hartmann M.. Comparing Measures of Competitiveness // IAMO Discussion Paper. 1997. 43 p.

<sup>3</sup> Азов Г.Л., Челенков А.П. Конкурентные преимущества фирмы. - М.: Типография, 2000. 16 с.; Крылатых Э.Н., Семенова И.В., Гончарев В.Д. и др. Повышения конкурентоспособности продукции региональных АПК. - М.: ВИАПИ, 2005. 112 с.; Фатхудинов Р.А. Управление конкурентоспособностью организации. - М.: Эксмо, 2004. 544 с.; Юданов А.Ю. Конкуренция: Теория и практика. - М.: Гром-Пресс, 2002. 112 с.

<sup>4</sup> Алимов Р.А. Конкурентоспособность национальной экономики: критерии, система показателей, факторы развития. - Т.: 2004. 34 с.; Шарифхўжаев М.Ш. Иқтисодиёт назарияси. - Т.: Мехнат, 1995. 243 б.; Ўлмасов А., Вахабов А.В. Иқтисодиёт назарияси. - Т.: Шарк, 2006. 247 б.; Чепель С.В. Проблема и перспективы конкурентоспособности национальной экономики. - Т.: 2004. 107 с.

<sup>5</sup> Муродов Ч. Қишлоқ хўжалигида эркинлаштиришнинг асосий тамойиллари ва йўналишлари // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2003. №3. 14-16 б.; Назарова Ф. Конкурентоспособность сельского хозяйства Узбекистана при вхождении в ВТО // Международный информационный бюллетень. 2006. 346 с.; Усмонов С.Н., Додобоев Ю.Т., Худойбердиев, А. Тадбиркорлик асослари. - Фаргона. 2000. 258 б.; Умурзаков У.П. Многоукладная экономика - основа экономического реформирования сельского хозяйства // Сб. Науч. тр. ТИИМСХ. 1996. №2. 85 стр.; Фармонов Т.Х. Бузуртмачи ва бажарувчи // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2005. №11. 4 б.; Хусанов Р.Х., Додобоев Ю.Т. ва бошқ. Қишлоқ хўжалиги бозорлари. - Т.: 2004. 261 б.; Хушматов Н.С. Жаҳон бозорида Ўзбекистон пахта махсулотлари ракобатбардошлигини оширишнинг иқтисодий асослари // Аграр иқтисодиёт. Илмий-амалий муаммолар бюллетени. 2004. №1. 30 б.; Қодиров А. Мелиорация. полив земель - основа роста урожайности и производства сельскохозяйственных культур. Науч. сборник «Формирование социально-ориентированной рыночной экономики» Институт экономики РАН, Москва 2002. 76 с.; Қодиров А.М. Маркетинг. Т.: 2003. 145 с.

- иқтисодий адабиётда рақобат, рақобатбардошлик, рақобат муҳити тушунчаларига берилган тавсифлар танқидий ўрганилиши асосида қишлоқ хўжалигини ўзига хос хусусиятларини мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда уларни илмий асослаб бериш;

- қишлоқ хўжалигида рақобат муҳити шаклланиши ва ривожланишига таъсир этувчи омилларни илмий таснифлаш;

- қишлоқ хўжалигида рақобат муҳити шаклланишини таъминот, сервис корхоналари ва агрофирмалар фаолиятида тутган ўрнини аниқлаш;

- Наманган вилояти қишлоқ хўжалигида маҳсулот рақобатбардошлиги ва рақобат муҳити шаклланиши бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, сифати ва фермерлар даромадига боғлиқлик таъсирини таҳлил қилиш;

- қишлоқ хўжалигида рақобатбардошлик ва рақобат муҳити ривожланишида маркетинг ва логистик тизим таъсирини таҳлил қилиш;

- хорижий давлатлар қишлоқ хўжалигида рақобат муҳити бўйича тупланган илмий тажрибалардан мамлакатимизда ижодий фойдаланиш йўналишларини аниқлаш;

- қишлоқ хўжалигида рақобатбардошлик ва рақобат муҳити шаклланиши ва ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини баҳолаш;

- қишлоқ хўжалигида эркинлик қай даражада эканлиги қонун, қонун ости ҳужжатларида ўз ифодасини топганлиги, рақобат муҳитини шаклланиши ва ривожланишига таъсир даражасини кучайтириш ҳақида қонунчиликка қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** - Наманган вилояти қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритиш субъектларининг ишлаб чиқариш фаолияти ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети** - қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритиш шакллари ўртасида рақобат муҳити шаклланиши ва ривожланиши жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлардан иборат.

**Тадқиқот методлари.** Тадқиқот жараёнида иқтисодий таҳлил, қиёсий таққослаш, статистик гуруҳлаш, монографик кузатиш, манتيкий ва абстракт фикрлаш усулларидан фойдаланилди.

#### **Химояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

- қишлоқ хўжалигида рақобат, рақобат муҳити ва рақобатбардошлик тушунчаларига муаллифнинг тақомиллаштирилган таърифлари берилганлиги ва тармоқда рақобат муҳити ривожланишига таъсир этувчи омиллар тизимлаштирилганлиги;

- Наманган вилояти қишлоқ хўжалигида ташкилий, технологик, иқтисодий, ижтимоий, ва экологик омилларни маҳсулот рақобатбардошлиги ва рақобат муҳити шаклланишига таъсири бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги;

- қишлоқ хўжалигида маркетинг ва логистик тизимнинг рақобат

мухитини ривожлантиришдаги тугган ўрни аниқланганлиги;

- қишлоқ хўжалиги рақобатбардошлиги ва рақобат мухити ривожланишини инновацион жараёнлар билан узвий қўшиб олиб бориш лозимлиги асосланганлиги.

**Илмий янгилиги:**

- бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда рақобат, рақобатбардошлик ва рақобат мухити тушунчалари тавсифи такомиллаштирилган;

- қишлоқ хўжалигида рақобат мухитининг шаклланиш ҳолати баҳоланган ва унга таъсир этувчи омиллар тизимлаштирилган;

- қишлоқ хўжалигидаги таъқиқий, технологик, иқтисодий, ижтимоий ва экологик вазиятларнинг маҳсулот рақобатбардошлиги ва рақобат мухити шаклланиши таъсирига бевосита боғлиқлиги бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган;

- қишлоқ хўжалигида маркетинг ва логистик тизимнинг тармоқ рақобатбардошлигини оширишга ва рақобат мухитини ривожлантиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган;

- республика қишлоқ хўжалигида рақобат мухити ривожланишини комплекс характерга эга бўлган инновацион жараёнлар билан олиб бориш лозимлиги асослаб берилган;

- қишлоқ хўжалигида рақобат мухитининг иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан маркетинг-ахборот жараёнларини ривожлантириш ва бозорга рақобатбардош маҳсулотлар чиқаришда зарур ахборотлар тўплани, таҳлил этиш фаолиятини амалга оширишда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш ва сифатини яхшилашни инновацион лойиҳалар асосида олиб бориш, бал бонитети паст, тупроқ ҳолати ёмонлашган хўжаликларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рақобатнинг иқтисодий-институционал, ҳуқуқий асослари такомиллаштирилишида фойдаланиш мумкин. Қишлоқ хўжалигида рақобатни шакллантирилиши ва ривожлантирилиши бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялар қишлоқ хўжалиги тармоқлари, шунингдек, фермер ва деҳқон хўжаликларида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилишида фойдаланилиши мумкин.

Диссертация ишининг натижаларидан олий ўқув юртларида «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти», «Фермер хўжалиги иқтисодиёти» каби ўқув фанлари дастурлари такомиллаштирилиши ва ўқитилиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (далолагнома, 22 апрель 2008 й.)

томонидан амалшётга жорий қилиш мақсадида қабул қилинган.

**Ишнинг синовида ўтиши.** Диссертациянинг асосий ғоя ва хулосалари «Қишлоқ хўжалиги хом ашёси бозорида рақобат муҳитини шакллантириш муаммолари» (Наманган, 2002); «Қишлоқ хўжалиги хом ашёси бозори маркетинг стратегияси» (Наманган, 2005); «Развитие конкурентной среды в сельском хозяйстве» (Россия, Орёл, 2005); «Конкуренция в аграрном секторе: анализ и проблемы» (Москва, 2006); «Некоторые проблемы формирование конкурентной среды в сельском хозяйстве» (Ташкент, 2006); «Либерализация земельных отношений в сельском хозяйстве» (Ташкент, 2007); «Развития и поддержка конкуренции в плодоовощном комплексе» (Ташкент, 2007); «Российско-Узбекское экономическое сотрудничество: анализ потреблений плодоовощных культур в России и влияние на увеличение импорта из Узбекистана в перспективе» (Москва, 2008) халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маърузалар қўрилишида баён этилган ва маъқулланган.

Диссертация иши Ўзбекистон Бозор ислохотлари илмий-тадқиқот институти, Тошкент Давлат аграр университети, Тошкент ирригация ва мелiorация институтининг бирлашган илмий семинарлари ва Банк-молия академияси хузуридаги илмий-мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот ишнинг асосий илмий натижалари 21 та илмий мақола ва тезисларда ўз аксини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Илмий иш таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса ва тақлифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 157 бетни ташкил этиб, 24 та жадвал, 7 та расм ва 8 та иловани ўзида мужассамлаштирган.

## 2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Жаҳон иктисодиётидаги глобаллашув жараёнлари ва аҳолининг озик-овқат маҳсулотларига истеъмол эҳтиёжлари ўсиб бориши етиштирилаётган маҳсулотлар сифатига бўлган талабни ошишига олиб келмоқда. Маълумки, ҳеч бир давлат аҳолисини ўзида етиштираётган маҳсулот турлари билан тўлиқ таъминлай олмайди. Шунинг учун, давлатлараро маҳсулот алмашувларига табий ҳолат деб қаралиши, бу эса ўз-ўзидан ташки бозорнинг роли ошишига хизмат қилади. Мамлакат ички бозорида маҳсулот сифатига бўлган талабнинг ортиши маҳсулот етиштирувчилар ва маҳсулот сотувчилар ўртасида рақобат муҳити шаклланиши ва маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқдир. Шундай экан, бу борада рақобат муҳити, рақобатбардошлик тушунчаларига аниқлик киритиш муҳим аҳамият касб этади.

Рақобат муҳити ва рақобатбардошлик тушунчалари бир-бирига яқин бўлиб, ишлаб чиқариш, маҳсулот сотиш жараёнларида бир-бирини тўлдириб

боради. Маҳсулот рақобатбардош бўлиши учун уни етиштиришда яратилган рақобатчилик муҳити муҳим аҳамиятга эга ва рақобатбардош маҳсулот рақобат муҳитининг маҳсулоти ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, ушбу икки тушунчани бир-бирдан ажратган ҳолда тадқиқ қилиш мумкин эмас.

Ушбу соҳада илмий изланишлар олиб бораётган олимларнинг мазкур категорияларга бераётган тавсифида масаланинг маълум кирраси очиб берилган ва улар томонидан ушбу тушунчаларни япада бойитишга ҳаракат қилинган.

Бизнинг фикримизча, «рақобатбардошлик» бу - рақобатчилар ўртасидаги маҳсулотга нисбатан баҳо берувчи юқори малакали ишчилар меҳнатидан фойдаланилган машиналар тизими, оптималлаштирилган ва шунга мослаштирилган интенсив технологиялар қўлланиши туфайли юзага келган яқуний натижа ҳисобида олинган белги, деб қаралиши мантикий асосга эга. Рақобат муҳити эса, ушбу белгига эга бўлган маҳсулотни етиштириш, қайта ишлаш, айирбошлаш ва сотиш учун яратилган шароитлардан иборат.

Қишлоқ хўжалигида рақобат муҳитини яратиш иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидаги жараёнлардан тубдан фарқ қилади, яъни об-ҳаво шароити, биологик жараён, маҳсулот етиштириш даврининг узоклиги, ресурслар сифати каби объектив омиллар билан ажралиб туради. Шунингдек, маҳсулотни узок вақт сақлаш ва узок масофага ташиш имкониятларининг чегараланганлиги ҳам албатта рақобат муҳитига таъсир кўрсатади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки қишлоқ хўжалигидаги рақобат, рақобатбардошлик ва рақобат муҳити тушунчаларига тармоқнинг ўзига хос хусусиятлари ва таъсир этиш жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш зарур.

Фикримизча, қишлоқ хўжалигида рақобат ва рақобат муҳити тушунчаларига тавсиф беришда куйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- биринчидан, қишлоқ хўжалигидаги рақобатда асосий хатар қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига нисбатан қулай шароитда ишлаётган ва юқори ҳосилдорлик ҳамда кам харажатлар сарф қилувчи бошқа минтақаларнинг бозор субъектлари мавжудлиги боис, бундай рақобат билан курашишнинг қийинлиги;

- иккинчидан, аксарият қишлоқ хўжалиги корхоналари ўз жойлашувига кўра, қулай жойларни танлаш имкониятига эга эмаслиги сабабли, қулай табиий шароитда фаолият юритаётган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига нисбатан рақобат устуворлигига эга бўла олмаслиги улар ўртасидаги тафовутларнинг доимий мавжуд бўлиши;

- учинчидан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида маълум тоифадаги хўжалик субъектларининг бошқа минтақалардагиларга нисбатан қулай шароит, сифатли ва кам харажат эвазига маҳсулот етиштириш, сақлаш ва ташиш харажатларини иқтисод қилиш ҳисобидан локал монополиянинг ривожланганлиги қабилар.

Фикримизча, қишлоқ хўжалигини ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда рақобат, рақобатбардошлик ва рақобат муҳити тушунчаларини куйидагича ифодалаш мумкин, (1-жадвал).

**1-жадвал**  
**Қишлоқ хўжалигида рақобат муҳити, рақобат ва рақобатбардошлик тушунчалари<sup>6</sup>**

«Рақобат муҳити»	Маълум вақт мобайнида эҳтиёжларни қондириш учун ҳамкорликда вужудга келадиган маҳсулот стиштирувчи, сотувчи, қайта ишловчи ва хизмат кўрсатувчи субъектлар ва уларнинг муносабатларини шаклланган шароити мажмуидан иборат
«Рақобат»	Маҳсулотни такрор ишлаб чиқариш тизимида биологик, техникавий ва иқтисодий жараёнларни режалаштириш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, сотиш ва истеъмол қилиш босқичларида намоён бўлиши та қишлоқ хўжалиги корхоналарининг устуворликни эгаллаш учун буладиган кураши
«Рақобатбардошлик»	Маҳсулотни нарх, сифат ва экологик кўрсаткичлар орқали харидорлар талаб, истак-хоҳишларини қондира олиши ҳамда маълум вақт мобайнида рақобатчилар маҳсулотидан ушбу кўрсаткичлар бўйича устунлиги

Шундай қилиб, рақобат муҳити, рақобатбардошлик ва рақобат категориялари бўйича олимлар ўртасида ягона ёндошув мавжуд эмас. Ушбу тушунчаларни ўрганишга иқтисодчи олимлар ўзлари яшаган давр ва жамиятнинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ёндашишган ва баъзи кирраларини очиб беришга ҳаракат қилганлар. Ушбу учта тушунча ўзаро яқин бўлиб бир-бирини тўлдириб туради. Маҳсулотнинг ва ишлаб чиқарувчининг рақобатбардошлигини рақобатнинг маҳсулоти деб ҳисоблаш мумкин аксинча, рақобатбардошлик бўлмаса рақобатнинг мавжуд эмаслиги ва ушбу муҳитни яратилмаганлиги натижаси дейиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигида рақобат муҳити шаклланишида ер муносабатлари, ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш масалалари муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, инфратузилмалар ҳам бир вақтнинг ўзида рақобат, рақобат муҳити ва рақобатбардошлик ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигида рақобат муҳити шаклланишида бошқариш тизимини мувофиқлаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада бошқарувни номарказлаштиришга катта эътибор бериш лозим. Фермер ўз фаолиятини бошқаришда қанча эркинликка эга бўлса, у шу қадар билим ва тажрибасини ишга солишга, яъни ишни ташкил қилиш, технологик жараён, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва қимматроқ сотиш йўллариини топишга ҳаракат қилади ва ташаббускорлик

<sup>6</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

билан иш ташкил қилади. Ушбу ҳолат ишлаб чиқаришда муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Маҳсулотни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш ҳам рақобат муҳитининг муҳим босқичларидан ҳисобланади.

Тармоқда рақобат муҳити шаклланишида фермерлар ва бошқа хўжалик субъектларини сифатли ва мукамал ахборот билан таъминлаш, шу жумладан, маҳсулотга бўлган талабни ўрганиш ва ишлаб чиқаришни талаб асосида олиб боришга ёрдам беради. Иккинчидан, маҳсулотни мақбул нархларда сотиш бозорини аниқлаш даромад кўпайишига асос бўлади. Учинчидан, ресурслар ва хизматлар бозорини ўрганиш эса рақобат ривожланишига таъсир кўрсатади.

Кишлоқ хўжалигида рақобат муҳити шаклланишида сервис корхоналари фаолиятини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирда сервис корхоналари асосан ҳукумат қарорлари билан ташкил қилиниши ва уларнинг маълум ҳудудлардаги фермер ва деҳқон хўжаликларига хизмат кўрсатиши қатъиян белгилаб қўйилмоқда. Ушбу ҳолат тармоқда рақобат муҳити шаклланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бизнинг фикримизча, лизинг хизматлари турини кўпайтириш ва лизинг корхоналарини маҳсулот етиштиришдаги иштирок этиш механизми ишлаб чиқиши зарур.

Кишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи агрофирмаларда маҳсулотларни қайта ишлаш улуши 20-25 фоиздан ошаётгани йўқ, ушбу кўрсаткич агрофирма миқёсида 50-60 фоизга етказилиши керак; агрофирма доирасида етиштирилаётган маҳсулотларни янги узилган ва қайта ишланган ҳолатда 35-40 фоизини экспорт қилишлари мақсадга мувофиқ бўлар эди, амалда ушбу кўрсаткич 15-20 фоиздан ошмаяпти; агрофирмаларда фан-техника ютуқлари ва илғор технологияларни кенг миқёсда жорий қилиш ҳисобига маҳсулот таннархи арзонлашиши ва рақобатбардошлиги ошиши кўзда тутилган эди, ушбу ҳолат бўйича қутилган натижаларга эришилмаяпти.

Ушбу ҳолатлар таъсисчиларни ихтиёрий кириши ва тенг ҳуқуқлилигига риоя қилмаслиги ҳамда улар ўртасидаги ички иктисодий механизм ишламаётганлиги, ички нархларни ва даромад тақсимотини юқоридан белгилаш ҳолатлари сақланиб қолаётганлиги туфайли содир бўлмоқда.

Кишлоқ хўжалик корхоналари рақобатбардошлигини оширишга қаратилган малакали кадрлар тайёрлашни йўлга қўймасдан туриб эришиш мумкин эмас. Чунки, кадрлар биринчи навбатда, бозор муносабатлари шароитида тўғри қарорлар қабул қилиш, мавжуд ҳолатни таҳлил қила олиш ва мамлакатдаги ҳамда хориждаги аграр ишлаб чиқаришдаги илғор тажрибалардан фойдалана оладиган бўлиши лозим.


Шунинг учун ҳам, рақобат муҳити шаклланишида малака базасини босқичма-босқич вужудга келтириш лозим. Буни қуйидаги равишда ифодалаш мумкин. (1-расм).

Фикримизча, кишлоқ хўжалиги рақобатбардошлиги таъминланишини икки даврга бўлиш мумкин:

Биринчи давр - ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги омилларининг

(инсон капитали, янги билимлар, ахборот, янги технология ва хоказо) рақобатбардошлиги бўйича юқори натижага эришилиши;

Иккинчи давр – ишлаб чиқаришдаги меҳнат унумдорлиги омилларини кенг миқёсда жорий қилишни ташкил этиш.



**1-расм. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида малака базасини шакллантиришнинг намунавий чизмаси<sup>7</sup>**

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг рақобатбардошлигига ҳудудлар қишлоқ хўжалиги салоҳиятига қараб, ҳудудга маҳсулот олиб келиниши ва олиб чиқилишини қиёсий таққослаш туфайли умумлаштирилган рақобатбардошлик индексини аниқлаш орқали ёндошиш мумкин. Ушбу ёндошув рақобат муҳити ва рақобатбардошликни ҳудудлар бўйича чуқур таҳлил қилишни тақозо этади.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб агрофирмалар фақат мева-узум ва сабзавот-полизчиликдагина эмас, балки деҳқончилик ва чорвачиликни барча соҳаларида ташкил қилиниши лозим. Тадқиқотлар кўрсатишича, агрофирмалар, МТПлар ва сервис хизмати корхоналари марказлаштирилган ҳолда эмас, балки бозор иқтисодиёти қонунларидан келиб чиқиб, иқтисодий дастаклар ва эркинлик асосида ташкил қилиниши лозим. Бундай ҳолатда давлатнинг роли корхоналарни муқобил равишда ривожланишига шароитлар яратиб беришдан иборат бўлиши зарур. Шундай қилинганда:

- биринчидан, сервис хизмати таркиби ва бозор инфратузилмаларини ривожлантиришга нодавлат сектор маблағи жалб қилинади;

<sup>7</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

- иккинчидан, ушбу корхоналар ўртасида рақобат вужудга келади, уларнинг ўзаро рақобат асосида ривожланиши қишлоқ хўжалигида рақобат мухитини шакллантиришни тезлаштиради;

- учинчидан, сервис хизмати корхоналари фаолиятидаги ҳозирги монопол ҳолатга чек қўйилади;

- туртинчидан, сервис хизмати сифати яхшиланиб унинг ҳажми кенгайиб боради, бу эса, маҳсулот рақобатбардошлигини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Қишлоқ хўжалигида рақобат мухити шаклланиши ва маҳсулотлар рақобатбардошлик ҳолати Наманган вилояти бўйича тадқиқ қилинди ва асосий эътибор қуйидаги омилларга қаратилди: тупроқ унумдорлиги ва ерларнинг шўрланиш ҳолати; қишлоқ хўжалигида деҳқончилик ва чорвачилик тармоқлари ўртасидаги мувозанат ҳолати; қишлоқ хўжалигини техника билан таъминланганлик даражаси; пахта ва ғалла ҳосилдорлиги; маҳсулотни экспорт қилиш ҳолати; аҳолининг даромадлари ўсиш динамикаси. Қайд этилган омилларнинг ҳар бири рақобат мухити шаклланиши билан бир қаторда маҳсулот сифати, таннархи ва рақобатбардошлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Вилоят қишлоқ хўжалигида деҳқончилик ва чорвачилик тармоқлари ўртасидаги мувозанат бузилиши, ўз навбатида, экинлар таркиби, алмашлаб экиш ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Натижада, бир томондан, чорва моллари маҳсулдорлиги камайиши тармоқ рақобатбардошлиги пасайишига олиб келса, иккинчи томондан, тупроқ унумдорлигини ёмонланишига олиб келган, (2-жадвал).

Илмий асосланган тавсияларга асосан деҳқончилик ва чорвачилик ўртасидаги нисбат 55:45 бўлиши керак<sup>8</sup>.

## 2-жадвал

### Наманган вилояти қишлоқ хўжалигида деҳқончилик ва чорвачилик ўлуши ўртасидаги нисбат динамикаси<sup>9</sup>

(фоиз ҳисобида)

№	Тармоқлар	2000 й.	2005 й.	2007 й.	2008 й.
		Жами қишлоқ хўжалиги	100	100	100
	Шу жумладан:				
1	Деҳқончилик	55,6	61,4	59,2	60,7
2	Чорвачилик	44,4	38,6	40,8	39,3

Ушбу кўрсаткич республика бўйича 2005 йилда 57:43 ва 2007 йилда 55:45 дан иборат бўлган<sup>10</sup>, Наманган вилоятида эса ушбу кўрсаткич

<sup>8</sup> Авниякулов А., Цамутани А. и др. Система земледелия в условиях коренного изменения структуры сельскохозяйственного производства. - Т.: 1998. 22 с.

<sup>9</sup> Наманган вилояти иктисодиёт бош бoшкармаси маълумотлари асосида тузилган.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси "Статистический ежегодник". Т.: 2006, 2008.

мутаносиб равишда 59,2:40,8 фоиз ва 60,7:39,3 ни ташкил этган.

Экинларни жойлаштиришда илмий асосланган тавсияларга риоя қилмаслик (пахта ва ғалла майдонлари улуши умумий сугориладиган ерларнинг 80-85 фоизини ташкил қилмоқда) экинлар таркибида дуккакли ва озуқа экинлари улушини камайиб кетганлиги тупроқнинг шўрланиш даражасини ошишига олиб келмоқда. Таҳлиллар кўрсатишича, 2008 йилда 2000 йилга нисбатан шўрланган майдонлар улуши 6,1 фоизга кўпайган, (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Наманган вилоятида тупроқнинг шўрланиш даражаси<sup>11</sup>**

№	Кўрсаткичлар	Йиллар							
		2000		2005		2007		2008	
		Ер майдони, минг га	%	Ер майдони, минг га	%	Ер майдони, минг га	%	Ер майдони, минг га	%
1	Сугориладиган ерлар, жами	221,1	100	223,0	100	223,2	100	223,9	100
2	Шу жумладан: Шўрланманган	195,4	88,4	187,1	83,9	184,8	82,8	184,2	82,3
4	Кучли шўрланган	0,7	0,3	1,1	0,5	1,5	0,7	1,8	0,8
5	Уртача шўрланган	8,5	3,9	11,7	5,2	12,2	5,4	12,6	5,6
6	Кучсиз шўрланган	16,5	7,6	23,1	10,4	24,7	11,1	25,2	11,3

Иқтисодий эркинлаштириш босқичида пахта ва ғалла ҳосилдорлиги вилоят бўйича деярли ўсмаяпти 2000 йилда пахта ҳосилдорлиги 25,8 ц/га, ғалла ҳосилдорлиги 45,7 ц/га тенг бўлган ҳолда 2008 йилда эса, мос равишда 26,3 ц/га ва 46,9 ц/га ни ташкил қилган. Тупроқ унумдорлигида ерларнинг шўрланиш даражасига қараб туманлар орасидаги тафовут сақланиб қолмоқда, яъни 2008 йилда пахта ҳосилдорлиги 11,7 ц/га ва ғалла бўйича эса 25,4 ц/га ни ташкил қилган.

Бундай ҳолатнинг мавжудлигини вилоят кишлок хўжалигида рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш борасида жиддий ишлар олиб борилмаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Бу борада тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган тадбирлар ва дала ишларини ўз вақтида сифатли бажарилиши бўйича қўриладиган чора-тадбирларни мисол келтириш мумкин.

Наманган вилоятида сўнгги йилларда кишлок хўжалиги моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам талаб даражасида эмас. Қишлоқ хўжалигида янги техника сотиб олиш кескин қисқариб, ҳар 1000 гектар ҳайдаладиган ерга тўғри келадиган техникалар

<sup>11</sup> Наманган вилояти кишлок ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

1-7

сони камайиб бормоқда. Вилоят бўйича трактор ва қишлоқ хўжалиги техникаси сонининг ўзгариб бориши, (4-жадвалда) кўрсатилди.

**4-жадвал**

**Наманган вилоятида техника билан таъминланганлик ҳолатининг ўзгариши динамикаси<sup>12</sup>**

(допа)

№	Техника Турлари	2000 й.	2005 й.	2007 й.	2008 й.	2008 й. да 2000 й. га нисбатан физ хисобида
1	Ҳайдов тракторлари	680	426	434	437	64,6
2	Чопик тракторлари	2197	2007	2078	2035	92,8
3	Пахта экиш сеялкалари	980	706	655	740	77,8
4	Ғалла экиш сеялкалари	68	41	41	41	60,0
5	Культиваторлар	1863	1839	1882	1889	101,2
6	Бороналар	6173	6008	6173	5574	91,3
7	Омочлар	449	467	449	471	104,8
8	Ер текислагичлар	237	293	265	245	103,6
9	Ғалла комбайнлари	454	268	258	307	67,3
10	Пахта териш машиналари	54	5	4	4	7,8
11	Ҳашаротга қарши кўраш техникалари	273	316	264	268	98,2

Таҳлил маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоят бўйича 2008 йилда 2000 йилга нисбатан культиваторлар, омочлар, ер текислагичлар ва бошқа турдаги техникалар сони кескин камайиб кетган. Бундай ҳолат бир томондан, агротехник тадбирлар ўтказиш муддатлари кечикишига иккинчи томондан, ушбу тадбирлар маҳсулот сифати пастилигига, учинчидан эса, қўл меҳнати сарфи кўпайишига ва ниҳоят, маҳсулот рақобатбардошлиги пасайишига олиб келмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилиш тармоқ даромадининг ошишига катта таъсир кўрсатади. Аммо, 2008 йилда Наманган вилоятида етиштирилган жами сабзавот маҳсулотларининг 23,6 фоизи, меванинг 21,3 фоизи ва узумнинг 25,7 фоизи қайта ишланган, холос.

Наманган вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилиш таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳўл мева ва сабзавот, қайта ишланган сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмлари камайиб борган. Таҳлил маълумотларига қараганда, 2008 йилга келиб 2000 йилга нисбатан экспорт қилиш ҳажми сабзавотда 67,4 фоиз, мева бўйича 88,6 фоиз ва узум 92,1 фоиз,

<sup>12</sup> Наманган вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

суд экспорти бўйича 53,3 фоизга камайиб кетган.

Наманган вилоятида олиб борилган таҳлиллар кўрсатишича, кишлоқ хўжалигида ракобат муҳитини шакллантириш ва маҳсулот ракобатбардошлигини ошириш бўйича етарлича ишлар олиб борилаётгани йўқ.

Иқтисодий эркинлаштириш босқичида кишлоқ хўжалигининг маҳсулот етиштириш ва сотиш жараёнларида трансакцион харажатларни улуши ошиб бормоқда. Бунинг маркетинг тизимини йўлга қўйиш орқали ҳал қилиш лозим.

Кўпчилик олимларнинг фикрича, маркетинг ва логистика концепцияси маҳсулот етиштирувчиларни эмас, истеъмолчиларнинг талабларини режалаштиришга асосланади. Бизнинг фикримизча, маркетинг ва логистика тушунчаларига Л.Б. Миротин томонидан берилган тавсиф эътиборга сазовор. Л.Б. Миротиннинг ёзишича, «маркетинг маҳсулот истеъмолчисини талабига мослаштирилган режалаштириш, логистика эса, истеъмолчининг моддий талабидан ва моддий ресурслар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда уларни товар маҳсулот олиши ҳисобланади»<sup>13</sup>.

Фикримизча, «маркетинг логистика» тушунчаси кишлоқ хўжалиги корхонаси ва бозор билан боғлиқлик жараёнларини ташкил қилувчи тайёр маҳсулотни ишлаб чиқарувчилардан бошлаб бозорга боргунча босиб ўтиладиган режалаштириш, ташкил қилиш ва маҳсулотни оғиб бора жойлаштиришни назорат қилиш ҳамда шу билан боғлиқ тақсимот каналлари таҳлил қилинишини ўз ичига олади.

Бунинг шартли равишда иккига бўлиш мумкин: биринчиси, маҳсулот ишлаб чиқариш учун керак бўлган ресурсларни оғиб борадан чиқариш тизимини киритиш, иккинчиси эса, етиштирилган маҳсулотни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчигача еғиб борадиган масофани киритиш мумкин.

Бозор шароитида ишлаб чиқаришни бошқариш қатор афзалликларга эга. Бунинг қуйидаги тизимда таққослаш мумкин, (5-жадвал).

Маркетинг бошқариш тизимида асосий ўрин сон кўрсаткичларига берилган бўлиб, шу жумладан, қабул қилинаётган иқтисодий таҳлилга қаратилади. Бу эса, энг самарали ва мувофиқлаштирувчи чораларни тезлик билан тузиш ва амалга ошириш имкониятини беради. Бунга эса, бозордаги ҳолатни ҳар томонлама таҳлил қилиш, барча субъектлар фаолиятини жадаллаштириш ва бир-бирига мослаштириш орқали эришилади.

Ҳозирги кунда аграр соҳада тадбиркорлик ривожланиб бораётган бир вақтда ахборот инфратузилмаси бозор муносабатлари ривожланишига жиддий таъсир кўрсатувчи омил бўлиб юзага чиқмоқда. Агросаноат мажмуи раҳбарлари ва мутахассислари кўп вақтини маҳсулотларни юқори нархларда сотиб олувчи харидорларни қидириш ва улар билан алоқа ўрнатишга сарфлашмоқда. Наманган вилоятида олиб борилган анкета сўровлари бу

<sup>13</sup> Миротин Л.Б., Ташбаев У.Э. Системный анализ в логистике. - М.: Экзамен, 2006. 54 с.

ҳолатни яна бир маротаба тасдиқлаб берди. Жумладан, анкета саволларига жавоб берганларнинг аксарияти 30 фоизи бозор муносабатларини ахборот билан таъминлашни асосий масала қилиб қўйганлар.

5-жадвал

**Амалиётдаги ва бозор шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг бошқариш тамойиллари<sup>14</sup>**

	Амалиётдаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг бошқариш тизими		Бозор шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг бошқариш тизими
1	Кўпроқ жорий масалаларни ҳал қилишга қаратилган	1	Маркетинг стратегиясига қаратилган
2	Юқоридан пастга қаратилган ташкилий тизим: «бошлиқ ва унга буйсунувчи»	2	Эгилувчан ташкилий тизим: барча корхоналар ва ходимларни самарали ўзаро алоқаларини таъминловчи горизонтал алоқалар
3	Маъмурий бошқариш услубиёти	3	Барча ходимларни яқиний натижага қизиқтирувчи демократик услубиёт
4	Асосий ресурс – техника	4	Асосий ресурс – одамлар
5	Технологик масалалар устунлиги	5	Ташкилий масалалар устунлиги
6	Ишлаб чиқаришни бир услубда борилишига асосланиш	6	Ишлаб чиқаришни ташқи ўзгаришлар ва унинг таъсирига мослаша олиши
7	Ташқи назорат – тармоқ ва жойлардаги назоратчиларнинг кўплиги	7	Ўз-ўзини назорат қилиш қоидаларга риоя қилувчи, ўз-ўзини тартибга солувчи тизим
8	Жамоавий бўлиб ишлашдан ажралиш ҳолатларини мавжудлиги	8	Ўзаро келишиб ишлаш ва бир-бирига ёрдам бериш
9	Хавф-хатардан қўрқиш	9	Иновацияга ёндошиш
10	Режа кўрсаткичларини бажариш	10	Истеъмолчилар талабини қондириш

Хўжалик юритиш шакллари майда фермерларга бўлиниб кетганлиги сабабли, ҳар бир фермер ўз маҳсулотини юқори нархларда сотишда қийинчиликларга учраши ва сота олмаслиги мумкин, бундай ҳолатда улар маҳсулот сотиш кооперативларига бирлашишлари лозим. Ва шу асосда бозор конъюнктурасини ўрганиш, маҳсулот сотиш ва ресурслар сотиб олиш учун энг самарали каналлар зарур.

Бугунги кунда республикада аграр соҳанинг рақобат стратегиясига бағишланган мукаммал фундаментал ишлар мавжуд эмас десак, янглишмаган бўламиз. Ҳозиргача соҳада рақобат муҳити шаклланиши ва ижтимоий ҳимоя масалалари стратегияси бир тизимга солинмаган тарзда шаклланишмоқда. Бу ҳолат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва рақобат муҳити имкониятларидан фойдаланишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Фикримизча, соҳа рақобатбардошлик стратегиясини бир тизимга солиш

<sup>14</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

куйидагиларда ўз ифодасини топиши лозим.

Биринчидан, кишлоқ хўжалигида рақобат муҳитини яратиш, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш мақсадида, савдо тўсиқларини камайтириш, янги бозорларни очиш, кишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларни юқори рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш.

Иккинчидан, аграр соҳанинг юқори иқтисодий барқарор рақобатбардошлигини таъминлаш учун кичик майдонларга эга фермерларни эмас, балки йирик ёки йирик кооперативларга бирлашган фермерларни қўллаб-қувватлаш.

Учинчидан, ҳозирги тadbиркорлик ва йирик аграр тузилмалар стратегик рақобат муҳитини ташкил қилишнинг асосини инновацион такрор қайта ишлаб чиқариш орқали ривожлантириш.

Шуни ҳисобга олиб, асосий эътиборни аграр соҳа иқтисодиётини кўпроқ инновацион янгиланиш билан бир қаторда корхоналар, уюшмаларнинг барқарор рақобат афзалликларига ва уларнинг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишга қаратилиши лозим.


Шундан келиб чиқиб, бизнинг фикримизча бу жараёни инновацион лойиҳалар асосида олиб бориш, рақобатбардошлик ва рақобат афзалликлари манбаи ва стратегик аҳамиятга эга бўлган инновацион жараёнларни ривожлантиришга қаратилиши лозим. Бунга асосий сабаб куйидагилардан иборат.

Биринчидан, амалиёт кўрсатишича, жаҳон бозоридаги рақобат иқтисодиётни асосий субъектлари бўлган корхоналар (фермерлар) уюшмалар ўртасида вужудга келган. Шунга асосан, хулоса қилиш мумкинки, мамлакат аграр соҳасининг рақобатбардошлиги макро ёки мезо иқтисодиёт даражасидаги жараён эмас, балки микро даражадаги жараёнда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам давлат миқёсида ҳамда олиб борилаётган тадқиқотларда асосий эътиборни корхоналар (фермерлар) уюшмаларнинг рақобатбардошлиги ва рақобат афзаллигини манбаи бўлган шу корхоналар ишлаётган инновацияга қаратилиши лозим.

Иккинчидан, бугунги кунда бозор жараёнини ҳаракатга келтирувчи куч кенг қўламда стратегик фикрлаш имкониятига эга бўлган, шарт-шароитни олдиндан кўра оладиган, инновацион жараён вариантларидан энг самаралисини танлай оладиган корхона ва уюшмалар барқарор рақобатбардошлигини таъминлай оладиган ҳақиқий тadbиркор эканлигини тушуниб етишимиз керак.

Учинчидан, агросаноат мажмуаси билан боғлиқ бўлган жараёнларга барча тармоқлар йиғиндиси деб қаралиб ҳамда соҳани ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, рақобат стратегияси ички соҳалар таркиби ва ундаги ўзгаришларни ҳисобга олиш асос бўлиши керак.

Давлатнинг стратегияси салоҳиятини рақобатбардош корхоналар



1-2

(фермерлар) ва уюшмаларни молниявий қўллаб-қувватлашга қаратилмасдан, балки уларнинг ҳақиқий рақобатлашишлари учун керакли шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат бўлиши керак.

Тургинчидан, глобаллашув шароитида аграр соҳа иқтисодиёти биргина тадбиркорлик тизими салоҳиятли корхоналар ва уларни атрофидаги миллий муҳитга боғлиқ бўлиб қолмасдан балки халқаро майдондаги рақобат кучларига ҳам боғлиқ.

Шуни ҳисобга олиб, биз, ўз тадқиқотимизда қишлоқ хўжалигида барқарор рақобат муҳитини яратиш ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишни инновацион лойиҳалар асосида олиб боришни таклиф этмоқдамиз.

### 3. ХУЛОСА

1. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида «рақобат муҳити», «рақобатбардошлик» ва «рақобат» бўйича олимлар ўртасида ягона тушунча мавжуд эмас. Қишлоқ хўжалигини ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, рақобат маҳсулот етиштирувчилар ўртасида микро даражада намоён бўлади. Рақобатбардошлилик бу рақобатчилар ўртасидаги уларнинг маҳсулотга нисбатан баҳо берувчи юқори малакали ишчилар меҳнатидан фойдаланилган тизим, оптималлаштирилган ва шунга мослаштирилган технология қўллаш натижасида олинган белги. Рақобат муҳити эса, назарий ёндошилган ушбу белгига эга бўлган маҳсулотни етиштириш учун қайта ишлаш, айирбошлаш ва сотиш учун яратилган шароит.

2. Мамлакат қишлоқ хўжалигида рақобат муҳити етарли шаклланмаган ва унга қатор ташки ва ички омиллар таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун рақобат муҳитини қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини ривожлантиришдаги зарурияти ва аҳамиятидан келиб чиқиб, ер ва сув муносабатлари, нарх белгилаш, рақобат субъектларини кредит билан таъминлаш, солиққа тортиш, суғурталаш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш ва бошқариш тизимини бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш ҳамда ахборот билан таъминлаш ва маркетинг хизматини ривожлантириш орқали тармоқда рақобат муҳитини шакллантиришга эришиш лозим.

3. Наманган вилоятида олиб борилган тадқиқотлар ва сўровнома натижаларига кўра, бизнинг фикримизча рақобат муҳитининг шакллантиришда куйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- фермерларни ерга бўлган ижара ҳуқуқини ҳимоялаш, уларда ердан узок муддат фойдаланишга ишонч ҳосил қилиш орқали туңроқ унумдорлигини сақлаб қолишга бўлган иштилишларини рағбатлантириш;

- қишлоқ хўжалигида деҳқончилик ва чорвачилик ўртасидаги номуносивликка барҳам бериш, экинлар таркибини такомиллаштириш, унда оралик ва дуккакли экинлар улушини кўнайтириш орқали алмашлаб экишни жорий қилиш;

- фермерлар ишлаб чиқариш ва молиявий ишларига четдан аралашшига чек қўйиш ва улар фаолиятининг асосини маҳсулотларни талабга қараб етиштириш, уни мақбул нархлар билан сотиш имкониятларини яратиб бериш;

- кишлоқ хўжалиги моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун узок муддатли кредитлар беришни ташкил қилиш ва сугурта имкониятларидан кенг фойдаланилган тарзда кишлоқ хўжалигини кредитлаш механизмини такомиллаштириш;

- маҳсулотларга нарх белгилашдаги номутаносибликни камайтириш, ресурслар ва хизмат нархларини назоратсиз ўсиб боришига йўл қўймаслик, маҳсулотни ички ва ташқи бозорда эркин сотиш учун шароит яратиб бериш ва бу борада агрофирмалар имкониятларидан тўларок фойдаланиш;

- пахта ва ғаллага яқин келажақда давлат буюртмаси сакланиб қолинишини ҳисобга олиб, буюртма учун маҳсулот етиштириш ва шу маҳсулотни сотиб олиш жараёнларини тендер орқали ташкил қилиш механизмларини қўллаш.

4. Қишлоқ хўжалигида «маркетинг» ва «маркетинг логистикаси»га старлича эътибор бермаслик фермерларга ўз маҳсулотларини сотишда катта кийинчиликлар туғдирмоқда. Шунини ҳисобга олган ҳолда, бозор конъюктурасини ўрганиш ва маҳсулот сотиш ҳамда ресурслар сотиб олишда маркетинг логистикасидан кенг фойдаланиш тармоқда рақобатбардошлик ва рақобат муҳити ривожланишида катта аҳамият касб этади. Фермерларга сервис хизмати кўрсатишда ҳам маркетинг имкониятларидан кенг фойдаланиш, хизмат сифатини яхшилаш, хизмат ҳақларини табақалаштирилган равишда белгилаш имкониятини беради.

5. Таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, бугунги кунда республика аграр соҳасида рақобат стратегиясига бағишланган мукамал фундаментал тадқиқот мавжуд эмас, рақобат муҳити шаклланиши ва ижтимоий ҳимоя масалалари стратегияси бир тизимга солинмаган. Давлатнинг стратегияси салоҳиятли рақобатбардош хўжалик субъектлари ва уларнинг уюшмаларини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилмасдан балки, уларнинг ҳақиқий рақобатлашишлари учун керакли шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат бўлган комплекс равишдаги инновацион характерда бўлиши керак.

#### **4. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ**

1. Мўминов У.М. Қишлоқ хўжалиги хом ашёси бозорида рақобат муҳитини шакллантириш муаммолари // Кичик ва ўрта бизнесни, тадбиркорликни ривожлантиришда янги техника ва технологияни қўллаш ҳамда уларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш мавзусидаги халқаро-илмий-амалий анжуман материаллари. - Наманган. 2002. - Б. 253-255.

2. Муминов У.М. Развитие конкурентной среды в сельском хозяйстве // Тезисы и доклады международной научно-практической конференции на тему: Социально-экономические преобразования в аграрном секторе региона: итоги и перспективы. - Орел. 2005. - С. 273-275.

3. Мўминов У.М. Кишлоқ хўжалиги хом ашёси бозори маркетинг стратегияси // Наманган давлат университети илмий ахборот журнали. - Наманган. 2005. - №3. - Б. 51-52.
4. Назарова. Ф.Х., Муминов У.М. Состояние агропродовольственного рынка Узбекистана при вхождении в ВТО // Агропромышленный комплекс СНГ: современное состояние и перспективы. Международный информационный бюллетень. - Москва. 2005. - №1. - С. 58-62.
5. Муминов У.М. Машина-трактор паркларига рақобат мухити шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари // Аграр иқтисодиёт илмий-амалий муаммолар бюллетени. - Тошкент. 2005. - №3-4. - Б. 32-33.
6. Муминов У.М. Конкуренция в аграрном секторе: анализ и проблемы // Тезисы докладов девятнадцатой международной Плехановский чтении. - Москва. 2006. - №2. - С. 304-305.
7. Назарова Ф., Муминов У.М. Конкурентоспособность сельского хозяйства Узбекистана при вхождении ВТО // Тезисы докладов девятнадцатой международной Плехановский чтении. - Москва. 2006. - №2. - С. 346.
8. Муминов М., Муминов У.М. Рақобат жараёнлари тарихи // Наманган давлат университети илмий ахборот журнали. - Наманган. 2006. - №1, - Б. 94-95.
9. Муминов У.М., Назарова.Ф. Ер солиғи // Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги. - Тошкент. 2006. - № 2. - Б. 36-37.
10. Муминов У.М. Пахтачиликда рақобат мухитини ривожлантириш (Наманган вилояти мисолида) // Бозор, пул ва кредит. - Тошкент. 2006. - №3. - Б. 23-25.
11. Муминов У.М. Кредитлаш механизми // Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги. - Тошкент. 2006. - №7. - Б. 7.
12. Муминов У.М. Некоторые проблемы формирования конкурентной среды в сельском хозяйстве // Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда корпоратив бошқарув, бухгалтерия ҳисоби, молиявий таҳлил ва аудитнинг йўналишлари мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман материаллари. - Тошкент. 2006. - Б. 210-211.
13. Назарова Ф., Муминов У.М., Юлдашев Ф. ЖСТнинг кишлоқ хўжалиги бўйича тамойиллари // Аграр иқтисодиёт илмий-амалий муаммолар бюллетени. - Тошкент. 2007. - №1. - Б. 25-28.
14. Муминов У.М. Кишлоқ хўжалигида пархлаштириш муносабатлари // Наманган давлат университети илмий ахборот журнали. - Наманган. 2007. - №1. - Б. 58-59.
15. Муминов У.М., Юлдашев Ф.Т. Кишлоқ хўжалигида рақобат жараёнлари ривожланишининг назарий хусусиятлари // Наманган давлат университети илмий ахборот журнали. - Наманган, 2007. - №1. - Б. 59-63.
16. Муминов У.М. Либерализация земельных отношений в сельском хозяйстве // World Bank. Improvement living standarts of population of

Uzbekistan. - Tashkent. 2007. - P. 1-9.

17. Муминов У.М. Пахта голасини биржа орқали сотиш тизимини ўзига хос хусусиятлари // Бозор. пул ва кредит. - Тошкент. 2007. - № 8. - Б. 60-61.

18. Муминов У.М., Исакулова Н.О. АҚШда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва рақобат муҳитини шакллантиришда давлат бошқарувининг тугган ўрни // Бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида қишлоқда инфратузилма объектларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. - Тошкент. 2007. - Б. 183-185.

19. Назарова Ф., Исмаилов О.Ш., Муминов У.М. Развтия и поддержка конкуренции в плодовоощном комплексе // Бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида қишлоқда инфратузилма объектларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. - Тошкент. 2007. - Б. 30-33.

20. Муминов У.М., Исакулова Н.О. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва рақобат муҳитини шакллантиришда давлат бошқарувининг тугган ўрни // Аграр иқтисодиёт илмий-амалий муаммолар бюллетени. - Тошкент. 2007.- №3-4. - Б. 55-58.

21. Муминов У.М. Российско-Узбекское экономическое сотрудничество: анализ потреблений плодовоощных культур в России и влияние на увеличение импорта из Узбекистана в перспективе // Девятая международная научная конференция молодых ученых: Региональная наука. - Москва. 2008. - С. 212-215.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор  
Мўминов Улуғбек Махаммадсолиевичнинг 08.00.04 – «Агросаноат мажмуи  
иқтисодиёти» иқтисослиги бўйича «Қишлоқ хўжалигида рақобат муҳитини  
шакллантириш ва ривожлантириш

(Наманган вилояти мисолида)» мавзусидаги диссертациясининг

## Р Е З Ю М Е С И

**Таянч сўзлар:** рақобат, рақобат муҳити, рақобатбардошлик, инфратузилма, инновация, маркетинг, логистика, монополия, нарх, солиқ, кредит, суғурта, божхона, инвестиция, иқтисодий эркинлик, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.

**Тадқиқот объектлари:** Наманган вилояти қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш фаолияти ҳисобланади.

**Ишнинг мақсади:** иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигида рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот методлари:** иқтисодий таҳлил, қиёсий таққослаш, статистик гуруҳлаш, монографик кузагиш, мантикий ва абстракт фикрлаш.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** қишлоқ хўжалигини ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда рақобат, рақобат муҳити ва рақобатбардошлик тушунчалари такомиллаштирилган; қишлоқ хўжалигида рақобат муҳити шаклланиши ва ривожланишига таъсир этувчи омиллар тизимлаштирилган; Наманган вилояти қишлоқ хўжалигида ташкилий, технологик, иқтисодий, ижтимоий ва экологик омилларни махсулот рақобатбардошлигига ва рақобат муҳити шаклланишига таъсири ўрганилган ва уларни ҳал этиш бўйича илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган; маркетинг-логистик тизимни қишлоқ хўжалигида рақобат муҳитини шакллантиришга таъсири аниқланган ва амалиётга жорий қилиш бўйича илмий тақлифлар ишлаб чиқилган; қишлоқ хўжалигида рақобат муҳитини шакллантиришни комплекс характерга эга бўлган инновацион лойиҳалар билан олиб бориш бўйича илмий-амалий асосланган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Амалий аҳамияти:** илмий изланишлар натижасида олинган тақлиф ва тавсиялардан қишлоқ хўжалигида рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилишида қўлланиши мумкин.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** диссертация ишидаги тақлиф ва тавсиялар Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётда қўллаш учун қабул қилинган. Тадқиқот иши материаллари олий ўқув юртлирида «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти», «Фермер хўжалиги иқтисодиёти» каби ўқув курслари, дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Қўлланиш соҳаси:** Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермер хўжалиқлари уюшмаси, олий ўқув юртлири.

## Р Е З Ю М Е

диссертации Муминова Улугбека Махамадсалиевича на тему:  
«Формирование и развитие конкурентной среды в сельском хозяйстве  
(на примере Наманганского вилаята)» на соискание ученой степени  
кандидата экономических по специальности  
08.00.04 – «Экономика агропромышленного комплекса»

**Ключевые слова:** конкуренция, конкурентная среда, конкурентоспособность, инфраструктура, инновация, маркетинг, логистика, монополия, цена, налог, кредит, страхование, таможня, инвестиция, экономическая свобода, государственная поддержка.

**Объекты исследования:** является производственная деятельность хозяйствующих субъектов, функционирующих в сельском хозяйстве Наманганского вилаята.

**Цель работы:** разработка научных предложений и практических рекомендаций по формированию и развитию конкурентной среды в сельском хозяйстве в условиях либерализации экономики.

**Методы исследования:** экономический анализ, сравнительные сопоставления, статистическая группировка, монографическое наблюдение, логическое и абстрактное мышление.

**Полученные результаты и их новизна:** с учетом специфической особенности сельского хозяйства уточнены понятия конкуренции, конкурентная среда и конкурентоспособность в отрасли; систематизированы факторы, влияющие на формирование и развитие конкурентной среды в сельском хозяйстве; изучены влияния организационных, технологических, экономических, социальных и экологических факторов на формирование конкурентной среды и конкурентоспособность продукции и в сельхоз секторе Наманганского вилаята, а также разработаны научные предложения и практические рекомендации по их решению; определены влияния маркетинга - логистической системы на формирование конкурентной среды в сельском хозяйстве и разработаны научные предложения их внедрения на практику; разработаны научно-практические обоснованные предложения и рекомендации по формированию конкурентной среды в сельском хозяйстве на основе инновационных проектов, носящих комплексный характер.

**Практическая значимость:** научные предложения и практические рекомендации, полученные по результатам исследования будут способствовать в разработке мероприятий по формированию и развитию конкурентной среды в сельском хозяйстве.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** предложения и рекомендации диссертанта приняты Министерством сельского и водного хозяйства для внедрения на практике. Материалы диссертационной работы можно использовать в совершенствовании учебных программ и в процессе преподавания курсов «Экономика сельского хозяйства», «Экономика фермерского хозяйства» в высших учебных заведениях.

**Область применения:** Министерство сельского и водного хозяйства, Ассоциация фермерских хозяйств, высшие учебные заведения.

## RESUME

Thesis of Ulugbek M. Muminov on the scientific degree competition of the candidate of sciences (economics) speciality 08.00.04- «Economics agro industrial complex», subject «Shaping and development competitive environment in agriculture (on the example of Namangan region)»

**Key words:** competition, competitive environment, competitiveness, infrastructure, innovation, marketing, logistics, monopoly, price, tax, credit, insurance, customs, investment, economic liberty, state support

**Subjects of the inquiry:** subjects of the different property categories on the agriculture Namangan region.

**Aim of the inquiry:** Prepared scientific offers and practical recommendations for shaping and development competitive environment in the agriculture on conditions of liberalization economy.

**Methods of inquiry:** economic analysis, comparison, statistical grouping, monographic supervision, logical and abstract thinking.

**The results achieved and their novelty:** given perfected concepts competition, competitive environment, competitiveness with specificity on agriculture; systematized factors to influencing for shaping and development competitive environment in agriculture; analyzing influences organizational, technological, economical, social and ecological factors to formation competitive environment, competitiveness of production in the agriculture of Namangan region and prepared scientific proposals and practical recommendations for their decision; studying influence marketing-logical system to formation competitive environment in agriculture sector and prepared scientific proposals for their implementing; prepared scientific-practical proposals and recommendations to formation competitive environment in agriculture sector on the basis of innovative projects carrying complex character.

**Practical value:** proposals and recommendations of the research can be applied in prepare measures actions on shaping and development competitive environment in the agriculture.

**Degree of embed and economical effectivity:** recommendations and proposals worked out in thesis had been accepted by Ministry of agriculture and water management. Dissertation materials will be used for improvement training programs and educational processes in higher educational institutions during the teaching at courses of «Economics of agriculture», «Economics of farmers».

**Sphere of usage:** Ministry of agriculture and water management, Association of farmers, higher educational institutions.

Таддикотчи \_\_\_\_\_